

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТ СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ А Ж Р И М И

2021 йил 10 август куни Қашқадарё вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати биносида, апелляция инстанциясининг очиқ суд мажлисида, вилоят судининг судьяси Н.Абдуллаевнинг раислигида, ҳайъат судьялари Б.Диёров ва Ш.Ражабовдан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси З.Жумаевнинг котиблигида, давлат айбловчиси Қашқадарё вилоят прокуратураси жинойи суд ишларини юритишда прокурор ваколатини таъминлаш бўлимининг прокурори Х.Тошназаров, судланувчи Ш.Бомуллаева ва унинг ҳимоячиси-адвокат Э.Қуватов, жабрланувчилар З.Урокова ва Г.Қутфиддиноваларнинг иштирокида, судланувчи Ш.Бомуллаевага оид суд ҳукми устидан жабрланувчилар З.Урокова ва Г.Қутфиддиноваларнинг апелляция тартибида берган шикоятларини жиноят иши ҳужжатлари билан кўриб чиқиб,

А Н И Қ Л А Д И:

Жиноят ишлари бўйича Косон туман судининг 2021 йил 2 июлдаги ҳукмига асосан:

Бомуллаева Шарифа Рахматуллаевна (Bomullayeva Sharifa Rahmatullayevna), 1965 йил 21 май куни Қашқадарё вилоятининг Косон туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилали, 2 нафар фарзандлари бор, муқаддам судланмаган, Косон тумани юқумли касалликлар шифохонаси бош ҳамшираси вазифасида ишлайди, Қашқадарё вилояти Косон тумани “Лолазор” МФЙ Гагарин кўчаси рақамсиз уйда яшайди, иш бўйича “гаров” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 06.05.2021 йилда олган,

Ш.Бомуллаева Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 210-моддаси 2-қисми “а,в” бандлари билан унинг қилмишида жиноят таркиби бўлмаганлиги сабабли оқланган, жиноят ишининг мазкур қисми тугатилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 228-моддаси 1-қисми билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, базавий ҳисоблаш миқдорининг ўттиз баравари, 6.690.000 сўм миқдоридан жарима жазоси тайинланган.

Жабрланувчилар Г.Қутфиддинова ва З.Ўроқоваларга етказилган моддий ва мънавий зарарларни ундириш юзасидан тасдиқловчи асосли ҳужжатларни тўплаб, келгусида фуқаролик суд ишларини юритиш тартибида даъво қилиш ҳуқуқлари борлиги тушунтирилган.

Жиноят ишининг Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 193²-моддаси 1-қисми билан Ш.Бомуллаевага оид қисми маъмурий тартибда қонуний



чора кўрилишини таъминлаш учун материал тариқасида алоҳида ажратиш кўрсатилган.

Жабрланувчилар Г.Кутфиддинова ва З.Ўроқоваларга етказилган моддий ва мънавий зарарларни ундириш юзасидан тасдиқловчи асосли ҳужжатларни тўплаб, келгусида фуқаролик суд ишларини юритиш тартибида даъво қилиш ҳуқуқлари борлиги тушунтирилган.

Жиноят ишининг Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 193²-моддаси 1-қисми билан Ш.Бомуллаевага оид қисми маъмурий тартибда қонуний чора кўрилишини таъминлаш учун материал тариқасида алоҳида ажратиш кўрсатилган.

Жабрланувчи Г.Кудфиддинова ва З.Уроковалар шикоятларида, жиноят ишлари бўйича Косон туман судининг 2021 йил 2 июлдаги Ш.Бомуллаевага нисбатан чиқарган ҳукмини бекор қилиб, унга нисбатан ЖКнинг 210-моддаси 2-қисми “а,в” бандлари ва 209-моддаси 2-қисми “а” банди билан ҳукм чиқаришни сўрашган.

Жиноят ишини апелляция инстанцияси судида кўриш жараёнида жабрланувчилар Г.Кудфиддинова ва З.Уроковлар апелляция шикоятларини кўрмасдан, оқибатсиз қолдиришни сўраб, аризалар тақдим этишди.

Апелляция инстанцияси суди жабрланувчилар Г.Кутфиддинова ва З.Уроковлар томонидан тақдим этилган аризалар юзасидан прокурор Х.Тошназаров, судланувчи Ш.Бомуллаева ва унинг ҳимоячиси-адвокат Э.Куватовларнинг фикрини тинглаб, қуйидаги тўхтамга келди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 497¹⁰-моддасида, ҳукм устидан шикоят берган шахс ўз шикоятини қайтариб олишга ҳақли эканлиги;

497²⁶-моддаси 1-қисмининг 8-бандида, шикоят қайтариб олинган ҳолларда, апелляция тартибида иш юритишни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиниши кўрсатилган.

Шу сабабли апелляция инстанцияси суди, жабрланувчилар Г.Кутфиддинова ва З.Уроковаларнинг аризаларини қаноатлантириб, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 497¹⁰-моддасига асосан уларнинг шикоятларини кўрмасдан, оқибатсиз қолдиришни, апелляция тартибида иш юритишни тугатишни, жабрланувчилар Г.Кутфиддинова ва З.Уроковаларга иш апелляция тартибида кўрилмаганлиги сабабли келгусида кассация тартибида шикоят бериш ҳуқуқи йўқолиши тушунтирилганини қайд қилишни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 423, 497¹⁰, 497²⁶-моддаларига асосан апелляция инстанцияси суди

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Жиноят ишлари бўйича Косон туман судининг 2021 йил 2 июлдаги Бомуллаева Шарифа Рахматуллаевна (Bomullayeva Sharifa Rahmatullaeyvna)га оид ҳукм устидан жабрланувчилар Г.Кутфиддинова ва З.Уроковалар томонидан берилган апелляция шикоятлари қайтариб



олинганлиги сабабли жиноят иши кўрмасдан қолдирилсин ва апелляция тартибида иш юритиш тугатилсин.

Жабрланувчилар Г.Кутфиддинова ва З.Уроковаларга апелляция шикоятларини қайтариб олганликлари ва иш апелляция тартибида кўрилмаганлиги сабабли келгусида кассация тартибида шикоят бериш ҳуқуқлари йўқолиши тушунтирилгани қайд қилинсин.

Раислик қилувчи:

Н.Абдуллаев

Ҳайъат судьялари:

Б.Диёров

Ш.Ражабов



Раислик қилувчи:	(имзо)	Ф.Ниязов
Ҳайъат судьялари:	(имзо)	Х.Бобоқулов
	(имзо)	Ш.Ражабов

**“Ажрим нусхаси аслига тўғри”
Қашқадарё вилоят судининг
жиноят ишлари бўйича судьяси**

Ш.Ражабов

Раислик қилувчи:	(имзо)	Ф.Ниязов
Ҳайъат судьялари:	(имзо)	Б.Диёров
	(имзо)	Ш.Ражабов



**“Ажрим нусхаси аслига тўғри”
Жиноят ишлари бўйича
Қашқадарё вилоят суди судьяси**

Ш.Ражабов

**“Ажрим нусхаси аслига тўғри”
Жиноят ишлари бўйича
Қашқадарё вилоят суди судьяси**

А.Ташев



Раислик қилувчи:	(имзо)	Ф.Ниязов
Ҳайъат судьялари:	(имзо)	Ш.Бахтиёров
	(имзо)	А.Ташев

**“Ажрим нусхаси аслига тўғри”
Жиноят ишлари бўйича
Қашқадарё вилоят суди судьяси**

А.Ташев



Раислик қилувчи:

(имзо)

Ҳайъат судьялари:

(имзо)

(имзо)

Ф.Ниязов

Ш.Бахтиёров

А.Ташев

“Ажрим нусхаси аслига тўғри”

Жиноят ишлари бўйича

Қашқадарё вилоят суди судьяси

А.Ташев



